BUXORO VILOYATI PESHKU TUMANI HOKIMINING
QARORI

201200, Peshku tumani, Amir Temur ko‘chasi, 3-uy. Tel: (65) 35-31- 6-31, faks: (65) 35-31-570, peshku.t@exat.uz

2022 - yil 24 - oktabr 550-2-39-Q/22 Peshku tumani hokimligi

2023 йилда тумандаги ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонуннинг 38-39-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 11.12.2017 й., 09/17/965/0393-сон) Низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Пешку тумани аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг 2022 йил 26 сентябрдаги 01-341-сонли иш жойларининг энг кам миқдорини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун иш жойларининг энг кам миқдори (квоталанган иш ўринлари) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони йигирма нафардан кўпни ташкил этадиган корхона, муассаса ва ташкилотлар учун ходимларнинг рўйхат

бўйича ўртача сонидан 203 кишини ташкил этадиган 7 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида, шу жумладан:

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлғиз ота, ёлғиз оналарга ҳамда кўп болали ота-оналар учун 36,9 фоиз (75 киши);

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-ҳунар коллежларини ҳамда техникумларини тамомлаб касбга эга бўлган ёшлар, 49,7 фоиз (101 киши);

“Меҳрибонлик” уйларининг битирувчилари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун 6 фоиз (3 киши);

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун 1 фоиз (2 киши);

ногиронлар учун 3 фоиз (6 киши);

туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсияолди ёшидаги шахслар учун 3 фоиз (6 киши);

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарорига кўра тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахслар учун 1,9 фоиз (4 киши);

одам савдосидан жабрланганлар учун 1 фоиз (2 киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларнинг бошқа тоифалари учун, шу жумладан, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида кам таъминланган оила сифатида рўйхатга олинган оилаларнинг ишсиз шахслари учун, “Аёллар дафтари”да турувчи аёллар учун, олий таълимни тўлов шартномаси асосида битирувчилар ва меҳнат муҳожирлари учун 0,5 фоиз (1 киши) миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби

тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги (АВ рўйхат рақами №-3163-сон, 31.05.2019 й.) буйруғига асосан субсидиялар ажратиб бериш тартиби амалиётга жорий этилганлигини ҳисобга олиб, “ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга - ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш белгилаб қўйилсин.

5. Ушбу қарорнинг иккинчи бандида кўрсатилган шахсларни ишга қабул қилишни асоссиз рад этган иш берувчи ва унинг ваколатли шахслари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилсин.

6. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (Т.Умаров) қарор қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин ва унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

7. Мазкур қарор “Пешку овози” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

8. Ушбу қарор 2023 йил 1 январдан қонуний кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари – туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи О.Эргашев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **В.Қаххоров**

Peshku tuman hokimining
2022 yil 24 oktabrdagi
550-2-39-Q/22-son qaroriga
1-ilova

2023 йилда Пешку тумани бўйича ижтимоий муҳофазага муҳтож ва ноқулай ҳолатда қолиб қолган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари тўғрисида

МАЪЛУМОТ

№				шу жумладан:								
	Ижтимоий мухофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини белгилаш таклиф этилаётган корхона ва ташкилотлар рўйхати (корхона ва ташкилотларнинг номи)	Ишловчилар сони	Келгуси йилга таклифи этилаётган иш ўринлари сони	Ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари, ногирон бўлган болалари бор ёлғиз отага ёки онага, шунингдек вояга етмаган болалари оилаларининг ота-оналари учун	Умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларини, касб-ҳунар мактабларини, касб-коллежларини ҳамда техникумларни тамомлаб, касбга ўқишга бўлган ёшлар учун	"Меҳрибонлик" уйларининг битирувчилари, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Миллий гвардиясининг, Давлат хавфсизлик хизматининг кўшинларидаги муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун	Ногиронлиги бўлган шахслар учун	Пенсионодин ёшидаги шахслар учун	Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки судининг қарорига кўра ўғитга инсбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун	Одам савдосидан жабрланганлар учун	ижтимоий кимоёга мухтож ва иш топишда қийналаётган ёшларолларининг бошқа тоифалари учун
1	Зухал хунар зар маъсулияти чекланган жамияти	58	4	1	0	0	0	1	**0**	**0**	**1**	1
2	Пешкутекстил кўрки оилавий корхонаси	46	3	2	0	0	0	0	1	**0**	**0**	**0**
3	Пахта тозалаш заводи х/ж	322	22	3	10	0	2	3	3	1	0	0
4	Шуҳрат Малик ф/х	49	2	1	0	0	0	0	0	0	1	0
5	Малишоик ф/х	28	2	2	0	0	0	0	0	0	0	0
6	Алиёр нурли замини ф/х	28	2	2	0	0	0	0	0	0	0	0
7	Пешқў ТЙХПТФК х/ж	99	7	4	1	0	0	0	0	2	0	0
8	Тиббиёт бирлашмаси	900	46	10	33	0	0	2	1	0	0	0
9	Абу Али Ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми	113	8	2	4	1	0	0	1	0	0	0
10	1-умумий ўрта таълим мактаби	71	5	1	3	1	0	0	0	0	0	0
11	3-умумий ўрта таълим мактаби	74	5	2	3	0	0	0	0	0	0	0
12	8-умумий ўрта таълим мактаби	75	5	2	2	1	0	0	0	0	0	0
13	10-умумий ўрта таълим мактаби	91	5	2	2	1	0	0	0	0	0	0
14	11-умумий ўрта таълим мактаби	61	4	1	2	1	0	0	0	0	0	0
15	12-умумий ўрта таълим мактаби	76	5	2	3	0	0	0	0	0	0	0
16	30-умумий ўрта таълим мактаби	69	5	2	3	0	0	0	0	0	0	0
17	16-умумий ўрта таълим мактаби	60	4	1	2	1	0	0	0	0	0	0
18	17-умумий ўрта таълим мактаби	74	5	3	2	0	0	0	0	0	0	0
19	18-умумий ўрта таълим мактаби	69	5	1	4	0	0	0	0	0	0	0
20	14-умумий ўрта таълим мактаби	67	6	4	2	0	0	0	0	0	0	0
21	21-умумий ўрта таълим мактаби	45	3	1	2	0	0	0	0	0	0	0
22	23- умумий ўрта таълим мактаби	77	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0
23	28- умумий ўрта таълим мактаби	88	6	2	4	0	0	0	0	0	0	0
24	Пешқў тумани 1-сон касб-ҳунар мактаби	76	5	2	3	0	0	0	0	0	0	0
25	Пешқў тумани 2-сон касб-ҳунар мактаби	58	4	2	2	0	0	0	0	0	0	0
26	13-сон болалар ва ўсмирлар мусика мактаби	44	3	0	3	0	0	0	0	0	0	0
27	52- умумий ўрта таълим мактаби	56	4	1	3	0	0	0	0	0	0	0
28	34- умумий ўрта таълим мактаби	51	3	2	1	0	0	0	0	0	0	0
29	35- умумий ўрта таълим мактаби	47	3	1	2	0	0	0	0	0	0	0
30	46- умумий ўрта таълим мактаби	61	4	2	2	0	0	0	0	0	0	0
31	17-сон Шукрона қолдувчилари МТТ	22	1	0	1	0	0	0	0	0	0	0
32	5 -сон МТТ	33	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
33	13 -сон МТТ	21	1	1	0	0	0	0	0	0	0	0
34	Ободонхаштириш бошқармаси	237	14	12	1	0	0	0	0	1	0	0
	ЖАМИ	**3366**	**203**	**75**	**101**	**6**	**2**	**6**	**6**	**4**	**2**	**1**